
МАРҒИЛОНДА ЗАМОНАВИЙ ТЎҶИМАЧИЛИК ВА ТИКУВ-ТРИКОТАЖ КОРХОНАЛАРИ СОНИ КЎПАЙМОҚДА

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров ва вилоят секторлари раҳбарлари Марғилон шаҳридаги “Марғилон Умар Текс” масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишдилар.

Замонавий дизайн асосида қуриб битказилган 5 қаватли бинода жойлашган корхонада ҳозирги кунда калава ипни бўяб пайпоқ ишлаб чиқарилиб, маҳсулотлар хорижга экспорт қилинмоқда. Тадбиркор Абдусамад Маъруфов вилоят раҳбарига амалга оширилган ва режалаштирилаётган ишлар ҳақида маълумот берди.

Лойиҳа қиймати 3 млн. долларни ташкил этган корхонада 100 дан зиёд иш ўринлари яратилган. 2022 йилда лойиҳани тўла қувватда амалга ошириш режалаштирилган. Ҳозирда Хитойдан келтирилган янги дастгоҳларни ўрнатиш жараёнларига тайёргарлик кўрилмақда.

Шаҳардаги ўрганишлар давомида 3560 нафардан зиёд аҳолиси бўлган “Тошкесар” МФЙда жойлашган, лойиҳа ташаббускори Жалолхон Муҳаммадхонов бўлган “Милано текс” МЧЖнинг трикотаж маҳсулотлари (ички кийимлар) ишлаб чиқариш цехи фаолияти билан ҳам танишилди. Корхонани йўлга қўйиш учун тадбиркор томонидан 5 млрд. сўм маблағ сарфланган бўлиб, 50-60 турдаги маҳсулотлар тайёрланмоқда.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-12-11 10:57:36